

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШОВ ЖАМШИД АШУРОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ
ҲАМДА ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Огловления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Эргашов Жамшид Ашурович

Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш ҳамда
даромадларни ошириш масалалари..... 3

Эргашов Жамшид Ашурович

Вопросы прогнозирования доходов местных бюджетов и их роста..... 27

Ergashov Jamshid Ashurovich

Issues of local budget revenue forecasting and revenue growth..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШОВ ЖАМШИД АШУРОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ
ҲАМДА ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2022.2.PhD/Iqt2227 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Гадоев Эркин Файзиевич иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Карлибаева Рая Ходжабаевна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Буранова Лола Вахобовна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «__»_____ соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «__»_____куни тарқатилди.

(2023 йил «__»_____даги __рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган беқарорлик ва тебранишлар шароитида мамлакатлар амалиётида йиллик бюджетни шакллантиришда солиқ тушумларини прогнозлашнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Солиқ тушумларини прогнозлаштириш фискал ҳаракатлар барқарорлиги ва ташқи қарздаги муаммоларни ҳал қилиш учун фискал сиёсатни мувозанатлаш ҳолати тўғрисидаги маълумот манбаи ҳисобланади. “Давлат бюджети ходимлари миллий ассоциациясининг 2022 йил кузги ҳисоботида 2020 ва 2021 молиявий йилларни бирлаштирганда умумий жамғарманинг умумий даромадлари пировардида пандемиядан олдинги прогнозларга қараганда 2,2 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди”¹. Ҳозирги даврда бюджетни аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва истиқболли баҳолашлар асосида ривожлантиришнинг мақбул йўллари ишлаб чиқиш ва асослаш каби масалалар мавзунинг долзарблигини оширмоқда.

Жаҳонда глобал миқёсдаги интеграция ва рақобатлашувнинг кучайиши шароитида давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқотларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Даромадларни прогнозлаш жараёнини башорат қилиш ва сифатли прогнозлаш, экспоненциал текислаш ва ягона тенглама регрессия прогнози, макроиқтисодий даромадларни прогнозлашда харажатларни прогнозлаш, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, дастурий-мақсадли усулда бюджетни режалаштириш услубиётини такомиллаштириш, давлат бюджети прогноз хатоликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бу борадаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ соҳасида кўшилган қиймат солиғини амалдаги 15 фоиздан 12 фоизгача, телекоммуникация, банк ва молия каби соҳаларда фойда солиғини амалдаги 20 фоиздан 15 фоизгача тушириш ҳамда хизмат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, янгидан ташкил этиладиган савдо комплекслари ва меҳмонхоналар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш”² каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган харидлар учун тўловларни қайтариш орқали товар айланмаси ҳажми ва даромадларни ошириш, қишлоқ хўжалиги учун

¹ The Resilience of State and Local Government Budgets in the Pandemic. By Jeffrey Clemens·March 29, 2022. University of California, San Diego. <https://econofact.org/the-resilience-of-state-and-local-government-budgets-in-the-pandemic>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – www.lex.uz

мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари миқдорларни белгилаш, кўчмас мулк объектлари қийматини баҳолаш ва уларга нисбатан солиқ базаси миқдорини белгилаш тартибини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетга жалб этиладиган қўшимча маблағлар манбаини яратиш, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбаларининг кўп омилли эконометрик моделлари асосида истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5088-сон “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш ҳамда даромадларни ошириш масалалари бўйича назарий ва ҳуқуқий асослари ҳамда солиққа тортишга оид муаммолар классик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, А.Лаффер, шунингдек С. Allan, J. Armstrong, M. Asher, A. Auerbach, J. Davis, J. Keynes, L. Klein, S. McNees, Nithin K ва Rathin Roy, A. Prest, K. Ruth, H. Theil, бундан ташқари, Россиялик олимларидан И.М.Александров, А.В.Брызгалин, В.Г.Князев, В.Г.Пансков, А.Б.Паскачев, И.М.Майбуров, Н.В.Миляков, Д.Г.Черникларнинг³ илмий асарларида тадқиқ этилган. Бюджет

³ Allan C. (1965). Fiscal Marksmanship, 1951-63. Oxford Economic Papers, 17(2), 317-327.; Armstrong, J. & Fildes, R. (1995). On the selection of Error Measures for Comparisons Among Forecasting Methods. Journal of Forecasting, 14, 67-71.; Asher, M. (1977). Fiscal Marksmanship in Singapore, 1966 to 1974-75. SuaraEkono'd, 14, 11-22.; Auerbach, A., 1999, «On the Performance and Use of Government Revenue Forecasts» National Tax Journal, Vol. 52 (December), pp. 767-82; Davis, J. (1980). Fiscal Marksmanship in the United Kingdom, 1951-78. Manchester School of Economics & Social Studies, 48(2), 187-202.; Klein, L. (1974). A textbook of econometrics (pp. 341-42). (NJ): Prentice-Hall.; McNees, S. (1975), «An Evaluation of Economic Forecasts», The New England Economic Review.; Nithin K and Rathin Roy. 2014. Finance Commission of India's Assessments: A Political

даромадларини шаклланиши ва солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш муаммоларини ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар О.Қ.Абдурахмонов, М.А.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, З.Н.Қурбонов, С.У.Меҳмонов, Н.Б.Ашурова, У.В.Гафуров, Ш.А.Тошматов, Б.Э.Тошмуродова, У.Нормурзаев⁴ илмий ишларида ўрганилган.

Профессор А.Жўраев Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари, иқтисодчилар А.Маманазаров маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш, Ж.Есмурзаев иқтисодий эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш, А.Исламқулов бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш, А.Хайриддинов маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари, Х.Қурбонов бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, Б.Абибуллаев бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари, А.Суванов маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари соҳасида, Ҳ.Қобулов ҳудудий иқтисодий ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари тадқиқ этишган⁵.

Economy Contention between Expectations and Outcomes. Sep; NIPFP Working Paper No. 141; Prest, A. (1961). Errors in Budgeting in the UK. British Tax Review, 30-43.; Ruth, K. (2008). Macroeconomic forecasting in the EMU: Does disaggregate modeling improve forecast accuracy? Journal of Policy Modeling, 30 (3), pp. 417-429.; Theil, H. (1966). Applied Economic Forecasting. Amsterdam: North Holland Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. М.: 1962. - 408 с.; Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения, том I. - М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. -360 с.; Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е. изд., перераб. и доп. - Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», - М.: 2007. – 314 с.; Пансков В.Г, Князев В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. М.: МЦФЭР, 2003. 336 с.; 165.; Паскачев А.Б. Анализ и планирование налоговых поступлений: теория и тактика. – М.: Изд. Экономико-правовой литературы, 2004. – 232 с.; Майбуров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. 655 с.; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. Инфра-М, - М.: 2007. - 507 с.; 155.; Брызгалин А.В. Правовое регулирование порядка установления и взимания местных налогов и сборов//Финансы. – 1996. – № 1. – С. 30.с.

⁴ Абдурахманов О.Қ. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА; Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. Монография. – Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.; Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: Дарслик.ТМИ. – Т.: Ношир, 2011. - 712 б. Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2003.- 156 б.; Меҳмонов С.У ва бошқ. Бюджет тизими. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 544 б. Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф.–Т.: 2018. – 72 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати.–Т., 2017. 72 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.- Т.: 2008. -38 б.; Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.: 2007. – 32 б.; Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф.–Т.: 2019. – 72 б.

⁵ Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: ДЖҚА, 2005. – 38 б.; Исламқулов А.К. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш. И.ф.д (ДС) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. Автореферати 2019 йил 72 б.; Жубаев.С Проблемы

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига қарамадан, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалаларини мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, кўчмас мулкларни солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий бюджетлар ва уларнинг даромад манбаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини илмий жиҳатдан очиб бериш;

маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилиш жараёнининг илмий-назарий талқини бериш ва унга оид муаллифлик ёндошувни ишлаб чиқиш;

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини прогноз қилишнинг модел ва методларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилиш ва уларнинг даромадларини шакллантириш ҳамда даромад базаларини мустаҳкамлаш амалиётини таҳлил қилиш;

маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилиш ва уларнинг даромадларини шакллантириш механизмларининг хориж тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш;

ўрта муддатли даврга маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини прогноз қилишнинг қийматларини эконометрик тадқиқини амалга ошириш ва унинг кўрсаткичларини аниқлаш;

формирования местных бюджетов. Автореферат дисс. ...канд. экон. наук. Ташкент, БФА, 2004.–20 С.; Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2002. – 21 б.; Есмурзаев Ж. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2007. – 20 б.; Қурбонов Х.А. Бюджетларо муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. - Тошкент: БМА, 2010. - 21 б.Абибуллаев Б.О. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. - Тошкент, БМА, 2009. – 22 б.; Суванов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари: и.ф.н. дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2005. – 18 б.; Қобулов Х.А. Худудий иқтисодий ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. - Тошкент: БМА, 2006. - 21 б.

маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилиш ва уларнинг даромадларини шакллантириш амалиётида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш;

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини прогноз қилиш, уларнинг қўшимча даромад манбаларини янада кенгайтириш юзасидан илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси, жумладан Тошкент шаҳар ва туманлари маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогнозлаштириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларни шакллантириш жараёнлари танланган.

Тадқиқот предмети бўлиб маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогнозлаштириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларни шакллантириш билан боғлиқ молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, рейтинг баҳолаш, статистик ва математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширганлиги учун харид миқдорининг 1 фоиз миқдоридаги тўловларни қайтариш орқали товар айланмаси ҳажми ва даромадларни ошириш таклифи асосланган;

кўчмас мулк объектларга нисбатан солиқ базаси миқдори 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда ўрнатилган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслигини белгилаш ҳамда, ушбу шарт бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчини кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақли деб топиш орқали маҳаллий бюджетга жалб этиладиган қўшимча маблағлар манбаини яратиш таклифи асосланган;

кишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда миқдорларни белгилаш, ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларидан иборат бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этадиган юридик шахслар томонидан эгалланган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаларига 0,25 коэффициент ошириш таклифи асосланган;

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбаларининг кўп омилли эконометрик моделлари асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш” категориясига оид илмий қарашларни танқидий таҳлилларга асосланган ҳолда ушбу тушунчага оид муаллиф таърифи ишлаб чиқилган;

маҳаллий бюджетлар даромадларини тўғри шакллантириш мақсадида иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилиши, бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз

меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан еттинчи ойдан бошлаб қайтариш амалиёти таклиф этилган;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини ишлаб чиқилиши ҳудуддаги корхоналар фойдаси, инвестиция ҳажми, ҳудуд молиявий салоҳиятига таъсир даражасининг объектив аниқлаш имкониятини берди ҳамда ҳудуднинг маҳаллий бюджетларининг даромадлар базасини ошириш бўйича берилган илмий таклифлари амалиётга жорий этилган;

маҳаллий бюджет даромадларини кенгайтиришда, солиқ базаси қуйидаги миқдорларда 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслигини белгилаш, агар объектнинг 1 кв. метри қиймати белгиланган энг кам қийматдан (1 кв.метр 2 500 минг.сўм) паст бўлса, солиқ тўловчи кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақлилини белгилаш юзасидан берган таклифлари амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва солиқ тизимига оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллантириш, солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ қонунчилиги ва бюджет-солиқ сиёсати концепцияси лойиҳаларини ишлаб чиқишда, республикада фаолият кўрсатаётган давлат солиқ хизмати органлари ходимларига методик қўлланма сифатида ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маҳаллий солиқларни ҳисоблашни тартибга солишда ва унинг механизмини такомиллаштириш бўйича дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлашириш ҳамда даромадларни ошириш масалалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жисмоний шахслар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширганлиги учун харид миқдорининг 1 фоиз миқдоридаги тўловларни қайтариш орқали товар айланмаси ҳажми ва даромадларни ошириш таклифи Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатли молия-солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 15-02889-сон, 2022 йил 17 январдаги 15-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз қийматларини аниқлаштириш ва даромад манбалари оптимал шакллантириш имкони яратилган;

кўчмас мулк объектларга нисбатан солиқ базаси миқдори 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда ўрнатилган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслигини белгилаш ҳамда, ушбу шарт бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчини кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақли деб топиш орқали маҳаллий бюджетга жалб этиладиган кўшимча маблағлар манбаини яратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 15-02889-сон, 2022 йил 17 январдаги 15-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллий бюджетга 465 млрд. сўм миқдорида кўшимча маблағларни жалб этиш базаси яратилган;

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда миқдорларни белгилаш, ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларидан иборат бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этадиган юридик шахслар томонидан эгалланган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаларига 0,25 коэффицент ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 15-02889-сон, 2022 йил 17 январдаги 15-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллий бюджетга 578,2 млрд. сўм миқдорида кўшимча маблағлар тушишига олиб келган;

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбаларининг кўп омилли эконометрик моделлари асосида 2025 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш таклифи ушбу йилларга тегишли маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли даромад манбаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 15-02889-сон, 2022 йил 17 январдаги 15-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ўрта муддатли тузишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган ҳамда маҳаллий бюджетлар

даромадларининг прогноз қийматларини аниқлашнинг объективлигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, шундан, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг илмий-услубий асослари, маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришга оид илмий-назарий қарашлар таҳлили ўрганилган.

Давлатнинг бюджет тизимининг бирламчи асоси режалаштириш ҳисобланади. Режалаштириш ўз навбатида таркибий жиҳатдан даромадлар ва харажатларни режалаштиришни қамраб олади. Бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатларини режалаштириш гарчи, улар мазмунан пул маблағларининг ҳаракатларини режалаштиришга хизмат қилсада, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятли жиҳатлари мавжуддир. Аслини олганда фикримизча, бюджетнинг даромадларини режалаштириш ундан қилинадиган харажатларнинг молиявий манбасини аниқлашга хизмат қилади, шу жиҳатдан молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш асосида уларнинг маълум бир қисмини жамият манфаатларига мос равишда қайта тақсимлашни амалга оширади, пул оқимларининг ҳаракатини таъминлайди. Давлат ўзининг иқтисодий функциясини бажариш мақсадида марказлаштирилган пул фондлари шаклидаги давлат бюджети орқали миллий иқтисодиётни бир маромда бошқариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун унга зарур бўладиган молиявий маблағларга эга бўлишнинг муҳим воситаси сифатида ташкил қилинган бюджет тизими бюджетларини шакллантиришга иқтисодий зарурият туғилади. Бу иқтисодий зарурият эса турли даражадаги (давлат, маҳаллий, муниципал) бюджетларни тақозо этади.

Мантикий ва услубий жиҳатдан олганда маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг моҳиятини англаш учун аввало маҳаллий бюджетнинг ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ, Ўзбекистонда Давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, ўз навбатида бюджет тизими бюджетлари эса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан ташкил топади.

Агар маҳаллий бюджетлар билан боғлиқ хорижлик ва ватанимиз олимларининг бошқа фикрларини таҳлил қилганимизда, аксариятининг мазмуни юқорида келтирилган таърифларга ўхшаб кетади, яъни уларда ҳам маҳаллий бюджетларни давлат бюджетининг ажралмас қисми сифатида ва давлатнинг молиявий мажбуриятларини бажаришга қаратилган пул фонди эканлиги келтирилади.

Биз тадқиқот ишимизнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларга оид аниқ расмий таърифнинг Ўзбекистон қонунчилигида келтирилмаганлигидан, бугунги кунда Янги Ўзбекистон иқтисодиёти мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, ҳамда маҳаллий бюджетларга иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларидан келиб чиқиб ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни ишлаб чиқдик. Фикримизча “*маҳаллий бюджетлар деганда*-давлатнинг ижтимоий-иқтисодий функцияларини амалга оширишга хизмат қиладиган, миллий иқтисодиёт доирасида молиявий (пул) маблағларининг бир маромда тақсимлаб ва таъминлаб турадиган, давлатнинг бюджет сиёсатини муҳим молиявий инструменти сифатида аҳолининг турли хил ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини аниқлашга ва уни ҳал этишга йўналтирилган марказлаштирилган пул фонди бўлиб, у мураккаб молиявий режа сифатида Давлат бюджетининг муҳим бўғинидир”.

Бизнинг мазкур таърифимиз аввало маҳаллий бюджетларнинг ўзгарувчан давлат бюджет сиёсатини ўзида акс эттирса, бошқа томондан бюджет категориясига берилган классик ва замонавий таърифларнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттиради, шунингдек, миллий иқтисодиёт доирасидаги ислохотларнинг йўналишларини ифодалайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетнинг мазмун-моҳиятини қуйидаги 1-расмда ифодалаймиз.

Тадқиқот ишимизнинг асосий мақсадларидан бири сифатида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогноз қилиш масаласи белгилаб олинди. Илмий тадқиқот методологиясига асосан ўрганилаётган объект яъни маҳаллий бюджетнинг мазмун моҳиятини юқорида очиб беришга ҳаракат қилдик. Энди, уни прогнозлаштиришнинг моҳиятини кўриб чиқишга тўғри келади. Бунинг учун фикримизча, прогнозлаштиришнинг ядроси бўлган прогнознинг моҳиятини англашимиз лозим бўлади. Прогноз-грекча (prognosis) сўз бўлиб-“олдиндан кўра билиш, олдиндан айтиш” деган маънони билдириб, иқтисодий-ижтимоий моҳияти бу- кўзланган мақсадга

эришишнинг илмий асосланган турли хил вариантларини баҳолаш ва ишлаб чиқишдан иборатдир.

Келтирилган назарий таҳлиллардан кўринадики, ўзбек олимлари томонидан ҳам бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар оиб борилган. Аммо, таъкидлаш лозимки, юқорида келтириб ўтилган илмий ишларда даромадларни прогнозлаштиришнинг турли жиҳатлари тадқиқ қилинган бўлсада, аммо маҳаллий бюджетларнинг ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида мавзу доирасида илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда юқорида амалга оширилган илмий-назарий таҳлилларни умумлаштирган ҳолда маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш категориясига муаллифлик ёндошувимизни келтириб ўтмоқчимиз.



1-расм. Ўзбекистон молия тизимида маҳаллий бюджетининг мазмун-моҳияти⁶

Бизнинг фикримизча, “Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш жараёни бу-маҳаллий бюджетларнинг хусусиятлари, бириктирилган солиқли даромадлар, ҳудуднинг молиявий ва солиқ салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тегишли муддатга маҳаллий бюджетга солиқли ва бошқа қонуний манбаларга эга бўлган тушумларни келиб тушишини баҳолаш ва аниқлашга қаратилган иқтисодий-ҳуқуқий

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

муносабатлардир”. Чунки, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогноз қилишда албатта ҳудуднинг молиявий ва солиқ салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда унга бириктирилган солиқли ва солиқсиз даромадларни прогноз қилиш зарур бўлади. Маҳаллий бюджетларни тўғри прогнозлаштириш маҳаллий бюджетнинг даромадларини тўғри режалаштиришга имкон яратилади.

Диссертациянинг «Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилиш ва даромадлари базасини шакллантириш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилишда модел ва методларнинг аҳамияти, маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиши ва прогнозлаштириш амалиёти таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг эконометрик таҳлили қилинган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий мустақилигини ошириш, маҳаллий бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида республикамизда бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектлар фаолиятини амалга ошириш юзасидан уларга қулайликлар яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда махсус ва кичик саноат зоналари ташкил этиб, мазкур зоналарда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари коммунал ресурслар билан тўлиқ таъминланиб, бир маромда фаолият юритишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджет тушумларида ҳам кўриш мумкин.

1-жадвал.

2017-2022 йилларда бюджет тизими бюджетларининг Ўзбекистон давлат бюджети даромадларидаги улуши таҳлили⁷

(млрд.сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022 (прогноз)
I.	Давлат бюджет жами даромадлари	37 750,9	54 219,2	83 323,9	103 566,4	127 970,4	143 472,1
	<i>Шу жумладан:</i>						
1.	Республика бюджети даромадлари	19 214,6	31 274,9	48 308,3	76 008,6	93 028,9	108 172,6
	Республика бюджети даромадларининг Давлат бюджет жами даромадлари улуши (%)	50,9	57,7	58,0	73,4	72,7	75,4
2.	Маҳаллий бюджети даромадлари	18 536,3	22 944,3	35 015,6	27 557,8	34 941,5	35 299,5
	Маҳаллий бюджети даромадларининг Давлат бюджет жами даромадлари улуши (%)	49,1	42,3	42,0	26,6	27,3	24,6

⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал маълумотлари асосида 2017-2022 йилларда маҳаллий бюджети даромадларининг Давлат бюджет жами даромадлари улуши 2017 йилда 49,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йил 42,3 фоизни, 2019 йил 42,0 фоизни, 2020 йилда эса кескин камайиб, 26,6 фоизни ташкил қилган. Бунга асосий сабаб сифатида бюджет тизимлари ўртасида трансферлар сиёсатидаги ўзгаришлар ҳамда қўшилган қиймат солиғининг ундириш тўлиқлигича республика бюджетига йўналтирилганлигини келтириш мумкин. Ўз навбатида республикамизда бюджети даромадлари қарийиб, 2017 йилда давлат бюджети даромадларидаги улуши 50,9 фоизни ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари улуши 49,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб давлат бюджети даромадлари улуши 75,4 фоизни ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари 24,6 фоизни ташкил этганлигини кўрамыз. Мазкур таҳлилимиздан кўриниб турибдики, охириги йилларда давлат бюджетига маблағларни жалб этишда солиқларни тўлаш маданияти нисбатан ижобий томонга ўзгарганлиги ҳамда даромадлар базасининг кенгайганлиги деб ҳисоблаймиз.

2-жадвал.

2017-2022 йилларда ҳудудлар бўйича давлат бюджет даромадларининг шаклланиши таҳлили⁸(млрд.сўм)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022 (прогноз)
I.	Жами давлат бюджет даромадлари	37 750,9	54 219,2	83 323,9	103 566,4	127 970,4	143 472,1
	<i>Шу жумладан:</i>						
1.	Қорақолпоғистон Республикаси	1 289,6	2 378,1	3 182,6	1 824,4	1 789,8	2 092,5
2.	Андижон вилояти	1 257,6	1 760,9	3 242,1	2 128,2	2 375,7	2 522,3
3.	Бухоро вилояти	2 222,4	2 767,5	4 274,0	1 970,2	2 470,7	2 827,3
4.	Жиззах вилояти	711,8	958,3	1 492,6	1 093,0	1 330,3	1 534,1
5.	Қашқадарё вилояти	2 831,8	3 895,7	6 284,0	2 276,8	2 997,8	3 467,8
6.	Навоий вилояти	2 726,4	5 421,9	10 064,6	1 040,7	1 400,5	1 515,1
7.	Наманган вилояти	1023,5	1 364,1	2 257,3	1 818,4	2 290,4	2 609,0
8.	Самарқанд вилояти	1555,1	2 012,9	3 163,3	2 410,0	3 144,5	3 657,0
9.	Сурхондарё вилояти	1023,6	1 384,1	2 185,4	1 620,8	1 933,7	2 097,9
10.	Сирдарё вилояти	567,2	813,4	1 334,4	766,2	956,3	1 092,3
11.	Тошкент вилояти	3 919,1	5 997,6	9 449,9	3 287,7	4 288,9	4 855,5
12.	Фарғона вилояти	2 104,2	2 778,8	3 965,2	2 532,0	3 242,0	3 727,7
13.	Хоразим вилояти	878,6	1 193,2	1 972,2	1 457,2	2 004,3	2 302,0
14.	Тошкент шаҳри	10 662,1	13 421,6	20 120,4	11 668,1	15 458,7	17 619,4
15.	Йирик солиқ тўловчилар инспекцияси	4 977,7	8 054,7	10 356,0	67 672,7	82 284,2	91 552,1

2-жадвалда кўришимиз мумкунки, Давлат бюджетига маблағларни жалб этилишини ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, 2022 йил учун ҳисоб

⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

китоб қилинган маблағлар миқдори 2017 йилда бюджетга жалб этилган маблағлар миқдорига нисбатан 3,8 баробарга кўпайганлигини кўршимиз мумкин. Республика бўйича ўсиш миқдори 3,8 баробарни ташкил этганда, Навоий вилоятида 2017 йилги тушумлар миқдори (2,7 трлн.сўм)га нисбатан 2022 йилда (1,5 трлн.сўм) яъни 2017 йилга нисбатан -1,2 трлн.сўмга бюджетга кам маблағлар ундириш прогноз қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тўғрисидаги тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан улар қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши⁹ вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадларининг охирги беш йиллик йиллик ижросини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3-жадвал.

Тошкент шаҳар ҳудудлар бўйича 2017-2022 йилларда давлат бюджети даромадларининг шаклланиш динамикаси таҳлили¹⁰

(млрд.сўм)

№	Туман номи	Йиллар кесимида					
		2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 (прогноз)
I.	Жами давлат бюджети даромадлари	10 663,7	13 421,6	9 730,1	11 668,8	15 416,1	17 619,4
	<i>ДСБ жами</i>	-	-	-	8 142,2	9 693,1	12 046,6
	Туман жами	-	-	-	3 526,6	5 723,0	5 572,8
1.	Миробод туман	1 461,3	2 041,4	1 303,9	402,2	647,9	556,8
2.	Мирзо Улуғбек туман	1 135,4	1 265,9	583,0	387,9	641,2	686,6
3.	Юнусобод туман	1 712,7	2 746,1	2 728,5	526,5	970,2	750,0
4.	Яккасарой туман	1 656,5	1 450,9	1 145,3	391,3	599,6	621,6
5.	Шайхонтоҳур туман	1 669,8	1 963,2	1 376,4	466,1	809,9	823,5
6.	Чилонзор туман	692,9	807,8	488,9	383,2	575,7	589,7
7.	Сергели туман	461,5	683,5	612,7	166,6	237,8	246,4
8.	Яшнобод туман	786,2	1 085,9	877,7	242,1	346,6	358,5
9.	Олмазор туман	466,6	587,9	131,5	290,2	435,1	455,9
10.	Учтепа туман	343,8	406,6	158,8	212,5	315,9	321,8
11.	Бектемир туман	277,0	382,4	323,3	57,9	98,7	103,3
12.	Янгиҳаёт туман	-	-	-	-	44,4	58,7

Тошкент шаҳри мисолида маҳаллий бюджет даромадлар ижросини 3-жадвалда кўрадиган бўлсак, Тошкент шаҳри бўйича 2017 йилда давлат бюджети даромадлар ҳисобига 10,7 трлн.сўм миқдоридан маблағлар ундирилган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 17,6 трлн.сўм миқдорни ташкил этиши режалаштирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўртача Республика бўйича тушумлар миқдори 3,8 баробарга нисбатан 2,2 баробар

⁹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 99-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кам бўлиб, ушбу маблағларнинг ундирилиши бўйича қилинган ҳисоб-китоблар натижасида 1,6 баробар ўсиш суръатини кўрсатмоқда.

4-жадвал.

Тошкент шаҳар давлат бюджети даромадларининг 2017-2022 йилларда бюджет тизими бюджетларидаги улуш юзасидан таҳлил¹¹

№	Кўрсаткичлар	Йиллар кесимида					
		2017	2018	2019	2020	2021	2022 (прогноз)
I.	Давлат бюджети жами даромадлари (млрд.сўм)	10 663,7	13 421,6	10 514,5	11 668,8	15 416,1	17 619,4
	Шу жумладан:						
1.	Республика бюджети даромадлари (млрд.сўм)	8 298,9	10 628,8	6 761,8	8 716,3	10 719,8	13 495,5
	Республика бюджети даромадларининг Давлат бюджет жами даромадларидаги улуши (фоизда)	77,8	79,2	64,3	74,7	69,5	76,6
2.	Маҳаллий бюджет даромадлари (млрд.сўм)	2 364,8	2 792,8	3 752,7	2 952,5	4 696,3	4 123,9
	Маҳаллий бюджет даромадларининг Давлат бюджетининг жами даромадларидаги улуши (фоизда)	22,2	20,8	35,7	25,3	30,5	23,4

4-жадвалда Тошкент шаҳри бўйича 2017 йилда республика бюджетининг улуши давлат бюджети даромадларида 77,8 фоизни ташкил этган бир пайтда, 2021 йилга келиб республика улуши 69,5 фоизни ташкил этмоқда, бу ўз навбатида 8,3 фоизга камайган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2020 йилда бутун дунёда COVID-19 пандемияси кенг тарқалиши иқтисодиётга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Республикамизда бугунги кунда давлат бюджети даромадлари ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари кейинги йил учун прогнозлаштиришда экстрополяция усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Мазкур усул ёрдамида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг қанчалик тўғрилигини таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз тадқиқот объектимиз бўлган Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлашга доир тадқиқотларимиз бўйича эконометрик таҳлилларга асосланиб, аввало Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тушумлар ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2012-2021 йиллардаги динамикаси таҳлилин ва унга мувофиқ прогноз

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар асосида 2022-2025 йилларга мўлжалланган маҳаллий бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Агар, бу натижаларни график асосда ифодаласак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади.

5-жадвал.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тушумлар ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2012-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2025 йилларга прогноз қийматлари¹²

Йиллар	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тушумлар, млрд. сўм, Y	Худудларга киритилган инвестициялар, млрд. сўм, X1	Маҳаллий солиқлар ўртача ставкаси, фоизда X2	Солиқ тўловчиларга маҳаллий солиқлар бўйича берилган солиқ имтиёзлари суммаси, млрд. сўм, X3	Маҳаллий бюджетларга солиқ тўловчилар томонидан амалга оширилган олдиндан тўлов суммаси, млрд. сўм, X4	Маҳаллий бюджетларга келиб тушиши лозим бўлган солиқ турлари бўйича солиқ қарздорлик суммаси, млрд. сўм, X5	Маҳаллий солиқ тўловчилар сони, минг бирлик, X6
2012	1206,9	84,0	25,6	82,8	49,7	28,0	42,3
2013	1532,4	102,7	25,8	111,6	52,4	32,0	43,4
2014	1765,6	135,3	25,0	133,2	55,8	35,0	45,0
2015	2149,0	172,0	24,0	151,2	59,0	38,0	46,4
2016	2332,5	160,0	23,5	154,8	55,0	42,0	47,9
2017	2440,9	186,7	23,5	169,2	63,0	45,0	49,2
2018	2796,4	203,3	20,8	172,8	65,0	49,5	50,4
2019	3752,8	63,1	38,6	123,5	40,2	54,7	51,8
2020	3156,3	150,4	38,6	288,6	34,5	62,0	42,3
2021	4911,4	254,8	31,8	132,9	27,2	43,0	40,8
2022*	4964,5	191,7	33,6	209,4	34,4	59,6	47,0
2023*	5663,4	205,3	35,0	224,0	32,4	63,6	47,3
2024*	6460,8	219,8	36,3	239,6	30,4	67,9	47,5
2025*	7370,4	235,4	37,8	256,3	28,6	72,5	47,7

* Прогноз даври

Юқорида келтирилган 5-жадвал ва график кўринишдаги 2-расм маълумотлари Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлари қисмининг прогноз кўрсаткичларига худудларга киритилган инвестициялар, маҳаллий солиқлар ўртача ставкаси, солиқ тўловчиларга маҳаллий солиқлар бўйича берилган солиқ имтиёзлари, маҳаллий бюджетларга солиқ тўловчилар томонидан амалга оширилган олдиндан тўлов суммаси, маҳаллий бюджетларга келиб тушиши лозим бўлган солиқ турлари бўйича солиқ қарздорлик ҳамда маҳаллий солиқ тўловчилар каби муҳим омилларнинг ўзаро таъсири натижасида маҳаллий бюджетнинг даромадлар прогноз кўрсаткичи 2022 йилда 4964,5 млрд сўмни, 2023 йилда 5663,4 млрд сўмни, 2024 йилда 6460,8 млрд сўмни ва 2025 йилда эса 7370,4 млрд сўмни ташкил этиши прогноз қилинди. Албатта, бу прогноз кўрсаткичларимиз эконометрик таҳлил ва прогноз қилишнинг имлфор методларига мувофиқ тестлардан ўтказган ҳолда аниқландики, фикримизча бу кўрсаткичлар 90 фоизлик кўрсаткичдан кам бўлмаган объективликка эгадир.

¹² Муаллифнинг ҳисоб-китоблари.



2-расм. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тушумларнинг 2012-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2025 йилларга прогноз қийматлари, млрд. сўм¹³

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, биз эконометрик тадқиқотларимиз доирасида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмларига таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирининг динамик ҳолати ва 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ҳам аниқладик. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда худудларга киритилган инвестициялар, маҳаллий солиқлар ставкаларининг ўзгариши, солиқ тўловчиларга маҳаллий солиқлардан берилган солиқ имтиёзлари, маҳаллий бюджетга солиқ тўловчилар томонидан олдиндан тўланган солиқлар, маҳаллий солиқлардан молия йил давомида ҳисобланган солиқларнинг ундирилмасдан қолган қисми (солиқ қарзи) ҳамда маҳаллий солиқ тўловчиларнинг молиявий ахволи тўғрида тўғри ўзининг ижобий ва салбий таъсирини кўрсатишимиз мумкин. Агарда худудларга киритиладиган инвестициялар сони олдинги йилларга нибатан ўсиш суръати таъминланса, маҳаллий солиқларга давлат бюджетидан ажратмалар улуши барқарор бўлса, солиқ имтиёзлари ва олдиндан тўловлар қисқартирилса, молия йили давомида ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида ундирилиши таъминланиб фаолият юритаётган маҳаллий солиқ тўловчи корхоналар молиявий ахволи яхши бўлганда ҳамда маданиятли солиқ тўловчилар бўлган ҳолларда маҳаллий бюджет даромадлари барқарор ўсишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбалари бўлган ер солиғи, мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушумларни прогноз қилиш услубиятидан амалиётда фойдаланиш маҳаллий бюджетларни режалаштиришнинг муҳим босқичи бўлган даромадларини оптимал прогноз қилишда муҳим услубий асос бўлиб хизмат қилади.

¹³ Муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбаларининг 2022-2025 йилларга прогноз қийматларидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ўрта муддатли тузишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз қийматларини аниқлашнинг объективлигини таъминлайди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогноз қилиш ва уларнинг даромад базасини мустаҳкамлашда фойдаланиш учун таклиф этилган ўзаро интеграцион боғлиқлик механизмларининг самарадорлигини таъминловчи услубий алгоритмининг молия-солиқ амалиётига кенг жорий қилиниши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогноз қилиш ва уларнинг даромад базасини мустаҳкамлашнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайди, прогноз кўрсаткичлари билан даромад манбалари ўртасида илмий асосланган молиявий боғлиқлик таъминланади.

Диссертациянинг «**Маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилиш ва уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлашнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалалари**» деб номланган учинчи бобда маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш даромад манбаларини шакллантиришнинг хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили, маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилишни такомиллаштириш ва даромадлар базасини мустаҳкамлаш йўналишлари ўрганилган.

